

ЎҚУВЧИЛАРГА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БЕРИШДА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Фазлиддин Абдуразақов

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти доктаранти

e-mail: termiz_region@mail.ru

Телефон: +99891-711-84-84,

Аннотация

Ушбу мақолада нутқ маданияти ва нотиқлик санъати, уларнинг умумий ўхшашлиги, ҳар иккаласи ҳам инсон нутқи билан алоқадорлиги, нутқ маданияти тилни қонун-қоидаларини онгли идрок этиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ тузга олиш маҳорати билан юзага келиши ҳақида баён қилинган. Мазкур тезисдан умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич таълим фани ўқитувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда мустақил тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Калит сўзлар: Нутқ, маданият, нотиқлик, санъат, кутубхоначи, муомала, ахборот-кутубхона, ходим, мутолаа, китобхонлик.

Нутқ маданияти кўп маъноли тушунчадир. Нутқ маданияти тадқиқотчиларидан К.С.Горбачевич, Г.О.Винокурнинг нутқ маданияти тушунчаси “нутқнинг тўғрилиги, онгли ва табиийлигини ифодаловчи тушунча” назариясидан келиб чиқиб, нутқ маданияти биринчидан, нутқнинг тўғрилигини талаб қилувчи, тил нормасига амал қилувчи; иккинчидан, фикрнинг ифодавийлиги ва ифоданинг кўпроқ самарадорлигини ўзида қамраб олувчи соҳа эканлигини таъкидлайди[1].

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, К.С.Горбачевич нутқ маданияти - нутқнинг тўғрилиги ва маълум нутқ кўринишида тил воситаларининг онгли қўлланилишини текширувчи соҳа эканлигини қайд этади.

Лингвистик луғатларда ҳам нутқ маданияти тушунчаси кўп маъноли тушунча сифатида қайд этилган. Чунончи, Д.Э.Розенталь ва М.А.Теленковалар ҳам нутқ маданияти биринчидан, нутқнинг адабий тил нормасига мослигини текширувчи, иккинчидан, тилшуносликнинг адабий тил нормаси масалаларини ўрганувчи соҳаси эканлигини таъкидлашади[2]. О.С.Ахманова нутқ маданиятини муайян тил учун белгиланган орфоэпия ва сўз қўллаш нормаларига мослик ҳамда индивидуал нутқ қобилиятига эгалик сифатида талқин қилган.

А.Н. Васильеванинг фикрича ҳам нутқ маданияти бир-бири билан боғлиқ бўлган икки тушунчани ўзида бирлаштиради. Биринчидан, нутқнинг сифати, яъни нутқда тил воситаларини мақсадга мос ишлатиш, иккинчидан, тилдан фойдаланиш маҳоратини текширувчи фан - бу нутқ маданиятидир[3]. Биз бу ўринда нутқ маданияти тушунчасини изоҳламоқчи эмасмиз, бироқ фикр юритмоқчи бўлган масаламизнинг нутқ маданияти билан узвий боғлиқлиги шу тушунчани моҳиятини ойдинлаштиришни тақозо қиласди. Нотиқлик санъати - бу, асосан, нутқнинг оғзаки шакли. Нутқ маданияти эса, нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир. Нотиқлик нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказиши, тушунтиришни, таъсирлантиришни, уларни маълум мақсадда сафарбар қилишни кўзда тутади[4].

Нотиқ нутқи кўпчилик тингловчиларга, кенг аудиторияга мўлжалланган бўлади. Нотиқлик кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантиқий асосларига ва таъсирчанлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга тилшунослик, фалсафа, мантиқ каби фанлардан олинган назарий билимларга суюнган ҳолда тўғри, таъсирли нутқ тузиш йўлларини ўргатади. Нутқ маданияти эса маданий нутқ, тилшуносликнинг соҳаси сифатида адабий тил меъёрлари, нутқ, нутқнинг коммуникатив сифатлари, услублари, нутқда учраши мумкин бўлган хатолар, нутқ талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади[5].

Унда энг аввало, фикрнинг аниқ, равон, мантиқан тўғри, соф, таъсирли ва мақсадга мувофиқ бўлиши талаб қилинади.

Шу ўринда нутқ маданияти ва нотиқлик ўртасидаги баъзи ўхшашликларни қиёсласак.

Нутқ маданияти ва нотиқликлар ўртасида баъзи ўхшашликлар:

- ✓ Нутқ маданияти кенг маънода абадий тил билан боғлиқ. Нотиқлик санъати эса сўзга чучанлик, жозибали овоз ва бошқалар.
- ✓ Нотиқлик - бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиқлик санъати - оғзаки нутқ санъатидир.
- ✓ Нутқ маданияти - соҳанинг мақсади, барчанинг орзуси, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиради[6].
- ✓ Нотиқлик аниқ бир шахс.
- ✓ Нотиқлик ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан анча қадимий тарихга эга, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифати ҳали ёш ва янгиdir.

Тилни яхши билиш тилнинг грамматик қонун-қоидаларини, луғат бойлигини ҳамда фонетик ва стилистик хусусиятларини пухта ўзлаштириб олиш билан белгиланади. Кўпинча нотиқ сўзга чиқишдан олдин фикрларини ёзма шаклда

тайёрлайди. Масалан: нималар ҳақида тұхтамоқчи, қандай мисоллар келтирмоқчи, ана шуларни ёзиб чиқади[7]. Айрим кишилар, айниңса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи-ёшлари мақсадларини оғзаки сўзлаб бермоқчи бўладилар-да, кўпчиликнинг салобати босиб, гапларини йўқотиб қўядилар ёки ёзганларини бош кўтармай ўқиб берадилар[8].

Белгиланган қисқа вақт ичиде фикрни оғзаки тарзда аниқ, тушунарли қилиб сўзлаш учун муентазам равишда, қунт билан ишлаш лозим. Нутқда жумлаларни қайта тўғрилаш, ўзгартириш бўлмаслиги керак. Шунингдек, нотиқнинг сўз бойлиги ҳам етарли бўлиши лозим. Бунда сўзларнинг фақат миқдори назарда тутилмайди, уларнинг маъноси ҳам асосий ўринда бўлади[9]. Сўзловчи маънодош (синоним) сўзлардан ҳам моҳирлик билан фойдаланиши зарур. Бундай сўзларни ишлатиш нутқнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Нотиқ тилнинг грамматикасини ҳам яхши ўзлаштириб олган бўлиши керак. Грамматика қоидаларига риоя қилишгина нутқа мазмун ва мантиқ киритади. Якка олинган сўзнинг ўзидан мақсад англашилмайди[10]. Фикр англатиш учун у сўз нутқдаги бошқа сўзлар билан грамматик ва семантик алоқага кириши лозим. Баъзан нотиқлар нутқида адабий тилимизда ишлатилмайдиган, фақат сўзловчининг ўзи яшаган жой аҳолисигагина маълум бўлган диалектал сўзлар ишлатилади[11].

Нотиқлик санъатида эътиборни тортиш, таъсирчанликни ошириш мақсадида маълум ўринларда диалектал, жаргон сўзларни ишлатилиш ҳолати кузатилади. Нутқ маданиятида бу ҳолатга йўл қўйилмайди. Нотиқлик санъатида интонация, градация, жестга кўп эътибор қаратилади. Лекин, ҳар иккисида ҳам фикр ўқувчи ёки тингловчига етиб бориб, маълум таъсир қўрсатса, яхши нутқ саналади. Сўзлашдан мақсад - фикр англатиш[12].

Бир фикрни тилда турли воситалар ёрдамида ифодалаш мумкин. Демак, нотиқ нутқ маданиятини мукаммал эгаллаган бўлиши, тил воситалардан энг мувоғифини танлай билиши лозим. Бунинг учун у, албатта, ўз она тилини пухта билиши, унинг барча бойликларидан усталик билан фойдалана олиши зарур[13].

Нутқ аниқ ва равшан бўлиши билан бирга тоза бўлиши ҳам шарт, акс ҳолда фикрнинг қучи кетади, сўзловчининг нутқи тингловчига яхши таъсир қилмайди.

Аслида нотиқ нутқида бундай диалектал сўзлар ишлатилмаслиги керак. Баъзи сўзловчилар нутқида эса “демак”, “хўш”, “иннайкейин”, “яъни”, “масалан”, “мисол учун”, “айтайлик” каби сўзлар кўп қўлланадики, уларни нотиқ дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Ўринсиз равишда ишлатилган бундай “бекорчи” сўзлар

нутқни сийқа қилиб қўяди[14]. Баъзан тингловчилар, талабалар, ўқувчилар нотиқнинг, педагогнинг сўзини эшитгандек кўринишадио, лекин фикрнинг мазмунини ҳис қилишмайди, улар сўзловчи нутқидаги мана шундай кераксиз сўзларни санаш, ҳисоблаш билан банд бўлиб қоладилар. Керак бўлса лақаб ҳам қўйиб олишади[17-21].

Бундан ташқари ишлатавериб сийқаси чиқиб кетган, чайналган қолип тусини олиб қолган сўз ва иборалар ҳам нутқнинг таъсирини кетказади, уни ўтмас қилиб қўяди. Ўринсиз равища ўйламай-нетмай, ҳаддан ташқари қўп ишлатиладиган, маъноси зўр ёқимли сўз ҳам кишининг ғашини келтиради, нутқнинг умумий мазмунига, моҳиятига салбий таъсир кўрсатади[15].

Рус тили ёки у орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг ўринсиз ишлатилиши ҳам нутқни хиралаштиради. Бундай сўзлар мияга ҳам, юракка ҳам озуқа бермайди, кишига қаттиқ таъсир қилиб, унинг эътиrozига сабаб бўлади.

Шу ўринда аниқ мисолларга ўтамиз. Буюк ёзувчимиз Абдулла Қахҳорнинг “Оғриқ тишлар”, “Нотик”, “Куюшқон” ҳикояларида ҳам нўноқ нотиқнинг қиёфаси жуда яхши чизиб берилган. Айни чоғда ёшларга хорижий тилларни, замонавий компьютерларда ишлашни ўргатиш билан бирга она тилига муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантириш зарурлигини бугун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди[16].

Шундай экан, нотик барча тушуна оладиган, содда ва равон тил билан гапириши керак. Дабдабали, баландпарвоз сўзларни, четдан кирган сўзларни, тингловчиларга нотаниш бўлган сўзларни ишлатмагани маъқул. Нотик ўз соҳасидаги илмий ютуқлар ва ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб турмаса, ўз устида ҳар кун, ҳар соатда мустақил ва муттасил ишламаса, у чин маънодаги замонавий нотик бўлиши қийин.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdunabievich, F. A., Ugli, F. O. B., & Norbutaevna, N. D. (2022). TYPES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES THAT CORRESPOND TO THE SPECIFICS OF MORAL AND AESTHETIC EDUCATION AND TEACHING OF STUDENTS.
2. Abdurazakov, F. A., & Meliev, S. K. (2022). Interactive Methods Used In The Formation Of Creative Activity (On The Example Of Primary School Students). Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(1), 257-262.
3. Abdurazakov, F. A., & ugli Odinaboboev, F. B. (2022). PEDAGOGICAL IMPORTANCE OF USING MODULE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE SYSTEM OF CONTINUOUS EDUCATION ON THE BASIS OF MODERN

- APPROACHES. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(1), 173-180.
4. Baxriddin o'g'li, F. O., Abdunabihevich, F. A., & Norbo'Tayevna, N. D. (2022). IMPROVING VOCATIONAL EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BY DEVELOPING PRIMARY MECHANISMS OF NATIONAL CRAFTS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(02), 577-580.
 5. Farmonova, S. (2019). THE TOLE OF THE PROJECT TEACHING TOOL IN DEVELOPING THE COMMUNICATIVE CULTURE OF FUTURE TEACHERS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 434-441.
 6. Farmonova, S. (2021). Opportunities for the Development of the Communicative Culture of Future Teachers through the Design of Teaching. International Journal of Culture and Modernity, 11, 172-175.
 7. FARMONOVA, S. M. (2020). Improvement of Professional Thinking in Future Teachers. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 7(05), 251-257.
 8. Norbutaevna, N. D., & Kizi, M. R. S. (2022). PEDAGOGICAL SYSTEM FOR FORMING SPIRITUAL COMPETENCE OF STUDENTS IN MODERN CONDITIONS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(3), 754-760.
 9. Rustam KHURRAMOV. (2022). DEVELOPING CREATIVE THINKING SKILLS OF STUDENTS THROUGH INTEGRATION-BASED PRIMARY CLASSES. European Scholar Journal, 3(8), 32-37.
 10. Rustam KHURRAMOV. (2022). EDUCATIONAL TASKS IN THE PRIMARY CLASS ARE A TOOL FOR DEVELOPING STUDENTS' HEURISTIC SKILLS. World Bulletin of Social Sciences, 13, 22-25.
 11. Salokhitdinova, N. M. (2020). PROVIDING MEMBERSHIP BETWEEN TESTING AND INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS FROM PRIMARY SCHOOL MATHEMATICS (An example of elementary school math). Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(12), 14-19.
 12. Sharafutdinova, K. G. (2020). Destruction of family relations psychoprophylaxis family-neighborhood-educational institution cooperation. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1000-1007.
 13. Sharafutdinova, K. G. (2021). THE ROLE OF TEMPERAMENT IN THE FORMATION OF INDIVIDUAL AND DESTRUCTIVE INDIVIDUAL RELATIONSHIP STYLE. Theoretical & Applied Science, (8), 210-214.
 14. Sharafutdinova, K. G., Kulmamatova, F. K., & Haydarova, S. (2021). The role of cognitive psychology in the elimination of destructive behavior. Asian Journal Of Multidimensional Research, 10(4), 957-964.

15. Рустам Хуррамов. (2022). ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭВРИСТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ. Е Conference Zone, 138–142
16. Салохитдинова, Н. (2021). Development prospects of primary education integration (on the example of exact and natural sciences). Общество и инновации, 2(7/S), 221-225.
17. Салохитдинова, Н. М., & Эрданаев, Р. Х. (2021). РАҶАМЛИ ДУНЁ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(NUU Conference 1), 271-274.
18. Хуррамов , Р. (2022). Методика развития эвристических способностей студентов с помощью игры. Общество и инновации, 3(4), 188–194.
19. Шарафутдинова, Х. Г. (2021). OILADA DESTRUKTIV SHAXS XUSUSIYATLARI. Academic research in educational sciences, 2(11), 231-236.
20. Шарафутдинова, Х. Г., & Бердиева, М. М. (2018). ПРОБЛЕМА ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОТНОШЕНИЯ К РЕБЁНКУ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ. Гуманитарный трактат, (25), 89-91.
21. Шарафутдинова, Х. Г., & Нормуминова, Д. Э. (2020). Преодоление тревожности с помощью когнитивно-поведенческой психотерапии. Педагогическое образование и наука, (1), 124-127.